
Маҳалла ёшлари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилмоқда

Тошлоқ тумани ҳоқими Абдуқаҳҳор Джурабаев ташаббуси ва топшириғи билан Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши ҳамда агентликнинг маҳаллалардаги вакиллари ҳамкорлигида турли спорт мусобақалари ташкилланмоқда.

14-мактабда тумандаги "Истиқлол", "Меҳнатобод", "Бўстон" ва "Жорқишлоқ" маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг валлейбол, стол тенниси ва шахмат турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Мусобақа аввалида туман ҳокимлиги бош мутахассиси А.Ўсаралиев, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлимнинг раҳбари в.в/б Д.Йўлдашев ҳамда Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши раиси Д.Абдуллаевлар маҳалла ёшларини ўтказилаётган мусобақа ва тадбирларда фаол бўлишга чорладилар.

Қизғин кечган ўйинлар якунига кўра ғолибликни қўлга киритган жамоалар ва ёшларига туман ҳокимлигининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Спорт мусобақалари ҳар бир маҳаллаларда давом этмоқда.

2022-02-03 17:40:52